

Коракалпогистон Автоном республикасида яшовчи коракалпок халки жуда мураккаб тарихий тараккиёт йўлини босиб ўтди. Узок асрлар давомида Бухоро амирлари ва Хива хонлари зулми остида эзилиб келган, ярим кўчманчилик хаётини бошдан кечирган коракалпоклар бир неча марта Россия империясидан паноҳ топишга уриниб кўрдилар. Лекин бу уриниш-лардан натижа чикмади.

Коракалпок халкининг ўзига хос жуда бой оғзаки ижоди ва адабиёти бор. Халк оғзаки ижоди кенг ривожланиб, ёзма адабиёт деярли ривожланмади. Бунинг сабаби шуки, коракалпоклар узок асрлар давомида ярим кўчманчилик хаётини бошдан кечирдилар. Мехнаткаш халкнинг орзу-истаклари фольклор асарларида ўз ифодасини топар эди. Халк оғзаки ижодининг бизгача етиб келган намуналари орасида мазмундор ажойиб лирик шеърий асарларни хам, салмоқдор қахрамонлик достонларини хам учратиш мумкин.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Коракалпогистондаги экономика ва маданият илмий текшириш институтида «Кирк киз», «Алномиш», «Эр кўшай», «Маст подшо», «Шахриёр» сингари достонларининг кўлёзмалари бор. Бундан ташкари коракалпок фольклорида ўзбек, тоҷик, туркман ва бошка кардош халклар орасида машхур бўлган «Ошик Гариб», «Юсуф ва Зулайҳо», «Ошик Ҳамро», «Тоҳир ва Зуҳра», «Юсуф Аҳмад» каби поэмаларни хам учратамиз.

Коракалпок достонларининг деярли хаммасида ватанпарварлик гоялари ва демократик мотивлар ёркин ифодаланган. Бу анъана коракалпок адабиётининг мумтозларига хам, бошка адабиёт намояндларига хам кучли таъсир ўтказди.

Коракалпок халки орасидан бу достонларни ижро этадиган, уларни авлоддан-авлодга етказадиган кўпгина халк жирав-шоирлари етишиб чикди. Улар орасида Чимбой туманида яшовчи машхур жирав Тангриберганни кўрсатиш мумкин.

Коракалпок халк достонлари орасида «Кирк киз» достони ўзининг гоявий мазмуни ва бадиий пишиклиги билан ажралиб туради. Бу достонда тасвирланишича, саркарда Гулойим кирк киз ва халк билан биргаликда Эрон шохи Нодиршохга хамда калмок хони Суртойга карши жанг килиб. мардлик ва қахрамонлик намунасини кўрсатдилар. «Кирк киз» достони ўзбек тилига хам таржима килиниб нашр эттирилган.

Коракалпок фольклорида эртак, лапар, жумбок, кўшик ва термалар хам жуда кўп яратилган. Бу лирик асарларда хон ва бойлар, мулла ва эшонларнинг адолатсизлини, меҳнаткаш халкнинг азоб-укубат чекиши ва ўша замондаги урф-одатлар тасвирланган. XX асрнинг 20 йилларигача коракалпоклар араб ёзуви билан иш кўрганлар. Ёзма адабиёт вакиллари хам шу ёзувда ижод килганлар. Бирок XVIII асрдан бошлаб шаклланган коракалпок ёзма адабиёти хакида бизгача жуда оз маълумот етиб келган. Бу маълумотлар асосида XVIII-XIX асрларда яшаб ижод этган Жиян Жиров сингари бир канча шоирларнинг ижоди хакида фикр юритиш мумкин.

Козок хони Абдулхайрга карши олиб борилган урушда коракалпоклар маглубиятга учраб, яна азоб-укубатларга дучор бўладилар. Бу урушдан сўнг Сирдарё бўйларидағи туркистанлик коракалпоклар хар ёкка таркаб кетганлар. Уларнинг бир кисми Тошкент атрофига - Чирчик бўйларига, бошка бир кисми эса Фаргонага ва Самарканд атрофлариға жойлашган. Кўплари эса Кизилкум оркали Хоразмга - Орол денгизининг жанубий соҳиллариға бориб ўрнашганлар. Мана шу машаккатли кўчишларни ўз кўзи билан кўрган Жиян Жирав ўзининг «Дарбадар эл» номли достонини яратди.

Коракалпок халк шоирларининг кўпчилиги, жумладан, Жиян Жирав, Кунхўжа, Бердак, Кулмурод, Гулмурод ва бошкалар меҳнаткаш халк орасидан етишиб чиккан, бинобарин, уларнинг ижодида халк хаётининг фожиали лавхалари ёркин тасвирланган. Масалан, Кунхўжа XIX асрда яшаб, ижод этган. У ўзининг ажойиб шеърларида коракалпок халкининг кашшокликда дарбадар бўлиб яшаганлигини тасвирлайди; Кунхўжа Хива хонини хажв камчиси билан савалайди. Унинг шундай шеърларига мисол килиб «Ўрокчилар» ва «Туя экансан» асарларини кўрсатиш мумкин.

Коракалпок ёзма адабиётининг йирик вакилларидан яна бири Ажиниёз шоирдир. У Фирдавсий, Низомий, Навоий, Махтумкули каби атоқди Шарқ шоирларининг ижоди билан яхши таниш бўлган. Ажиниёз шоирнинг «Бўз ўтов» достонида коракалпок халкининг бошка юртларга кўчиб кетишига мажбур этилганлиги, туғилиб ўсан ватани билан хайрлашиш жуда оғир бўлганлиги усталик билан тасвирланган.

Коракалпок мумтоз адабиёти тараккиётида улкан демократ-гуманист шоир Бердимурод Бердакнинг мавкеи катта. Бердак «Шажара», «Эрназар бий», «Ойдўст бий» ва «Ахмок подшо» достонлари билан коракалпок мумтоз поэзиясида достончиликнинг ривожланишига салмокли хисса кўшди.

«Ахмок подшо» достонида тасвирланишича, Ахмок подшо фарзанд кўрмайди, меросхўри бўлмаганидан кайгуради. Унинг Гулим исмли хотини киз кўради. Буни хабар килиш учун шох саройига Зара номли чўри хотинни юборадилар. Подшо бундай «ёмон» хабарни, келтирган чўри хотинни калтаклашни, кизини эса ўлдириб, хотинини ўз кошига келтиришни буюради. Лекин садокатли чўри Зара кийинчиликларни енгib, бу хабарни Гулимга етказади. Гулим ва унинг кизини жаллодлар чангалидан саклаб коладилар ва уларни ер остидаги бир кўргонда тарбиялайдилар. Орадан кўп вактлар ўтади. Бўйга етган шох кизи Гулзор ўз отаси билан учрашишни истайди. Кизи Гулзор билан учрашган Ахмок подшо унга ошик бўлиб колади. Лекин киз подшо таклифини рад этади. Шунда у кизни итларга ем килишга буюради. Итлар эса Гулзорга хамла килиш ўрнига тилга кириб, Ахмок подшони каргайдилар. Шундан сўнг Гулзор зиндонга ташланади. Кейинрок уни яширин йўл билан ўрмонга олиб кетиб тарбиялайдилар. Подшонинг килмишларидан газабланган Гулзор саройга кириб келиб, ўз кўли билан Ахмок подшони ўлдиради.

Достоннинг кискача мазмунидан кўриниб турибдики, Бердак бу асарида карама-каршиликларни зўр маҳорат билан очиб берган. У Ахмок подшо сингари золим шохларнинг зулми ва фаросатсизлигини каттиқ танқид килган.

1957 йилдан бери Тошкентда бир неча бор ўтказилган коракалпок адабиёти ва санъати декадалари коракалпок адабиёти ва санъатининг шаклан миллий, мазмунан адабиёт бўлиб равнак топаётганлигини исбот килиб берди.

Коракалпок ёзувчиларининг 20-30 йилларда эндиғина пайдо бўлиб мустахкамланаётган коракалпок матбуоти органлари атрофига, жумладан, «Эркин Коракалпок» рўзномаси атрофига уюшишлари уларнинг ижодий камолотга эришишларида катта ахамиятга эга бўлди. Чунончи, бу йилларда адабиёт майдонига кириб келган Х.Ахметов, А.Матёкубов, А.Утепов, Ж.Оймирзаев ва А.Бегимов сингари ёшлар, шунингдек, А.Мусаев, А.Дабилов, С.Нурумбетов сингари тажрибали ёзувчиларнинг деярли хаммаси ўз ижодини аввал мухбир-журналистликдан бошлаган.

Драматургияга асос соглан коракалпок драматурги А.Утепов дастлаб «Ўз тенгини топган киз» пьесасини эълон килди. Ундан сўнг А.Бегимов ўзининг «Хотира» номли асарини ёзиб, унда коракалпок халкининг азоб-укубатли ўтмишига хозирги баҳтиёр кунини карама-карши куйиб тасвирлайди.

Драматургия соҳасида баракали ижод эттан А.Утеповнинг сахна асарлари кўпроқ хажвий характерда эди. У ўзининг «Кўзбўямачи вакил», «900 грамм», «Сайдмурод дангаса» сингари асарларида хаётдаги айрим ахлоки ёмон кишиларни, дангасаларни хажв остига олди.

Коракалпок ва ўзбек халкларининг тарихи бир-бирига чамбарчас боғлик бўлганидай, бу икки кон-кардош халкнинг адабиёти ўртасида ўзаро алока ва таъсир хам бир неча асрлик тарихга эга. Ўзбек халк достон ва эртаклари (масалан, «Алпомиш») кўпдан бери коракалпок халки орасида машхур бўлганидек, коракалпокларнинг «Кирк киз» достони хам ўзбек китобхонлари диккатини ўзига жалб этиб келмокда. Айникса Улуг Ватан урушидан сўнгги йилларда ўзбек-коракалпок адабий алокалари мустахкам-ланди. Ўзбек ва коракалпок адабий ижодий хамкорлиги амалий тус олди. Бир тилдан иккинчи тилга таржима килиш иши кенг кулоч ёйди.

Хусусан, Ойбек, Уйгун, А.Каххор, Н.Сафаров ва М.Шевердин сингари таникли ёзувчиларнинг Коракалпогистонда бўлиб, адабий харакатга бевосита иширик этишлари коракалпок адабиётининг салмокдор бадиий асарлар билан бойишига ижобий таъсир кўрсатди.

Ўзбек шоир ва ёзувчиларидан А.Навоий, Мукимий, Хамза Хакимзода Ниёзий, Ойбек, Г.Гулом, А.Каххор, Уйгун, Ш.Рашидов, А.Мухторларнинг асарлари коракалпок тилига таржима килиниб, кўплаб нашр эттирилганидек, коракалпок халк эпоси «Кирк киз», шунингдек, Б.Бердак, Ж.Ой-мурзаев, Х. Сеитов, А. Бегимов, М. Дарибоев, А. Дабилов сингари мумтоз шоирларининг шеър ва достонлари, Т.Каипбергеновнинг «Сўнгги хужум», «Коракалпок кизи» ва «Коракалпок достони» романлари, С.Хўжаниёзовнинг «Сўймаганга суйканма» комедияси ўзбек китобхон ва томошабинларига катта эстетик завк багишламокда.

Карши давлат университетининг катта ўқитувчи А. Хамдамов